

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

433 Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда таълимнинг миллий модели хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институтининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2015 — 2018 йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим сифатини янада ошириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) қуйидаги таркибда:

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 6-иловага мувофиқ;

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар 7-иловага мувофиқ;

2015 — 2018 йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлашнинг асосий параметрлари 7а-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари ходимларига олий таълим муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилишини назарда тутувчи меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамда шартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативлари олий таълим муассасалари учун белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан Инвестиция дастурида кўзда тутилган марказлаштирилган капитал қўйилмалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Дастурни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

буюртмачининг ҳисоб-китоблари асосида 2014 йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасидаги капитал қўйилмалар лимитларини қайта тақсимлаш ҳисобига Дастурда белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун маблағ ажратиш масаласини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлар ҳамда донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгашга кўриб чиқиш учун кiritсин;

2015 йилдан бошлаб Инвестиция дастурларини шакллантиришда Дастурда белгиланган тадбирларнинг молиялаштирилишини назарда тутсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари Дастурда белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурда белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин, шунингдек буюртмачилар ва пудратчи-

лар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, шу жумладан амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ объектларда бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатига қўйиладиган талабларга қатъий риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

7. Дастурда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Махсус ишчи гуруҳ 8-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Махсус ишчи гуруҳи (А.И. Икрамов):

Дастур амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда ҳар ярим йил ва йил якунлари бўйича бажарилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

2015 — 2018 йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлашнинг асосий параметрларига зарурият бўлганда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Икрамов ва Б. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 15 август,
234-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорига мувофиқ халқ таълими тизимидаги ҳудудий бошқарув органлари, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишнинг

асосий мақсадлари, вазифалари, шакллари, услублари ва тартибини белгилайди.

2. Халқ таълими тизимидаги раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича лавозимлар ва мутахассисликлар номенклатураси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда «Вазирлик» деб аталади) томонидан тасдиқланади.

3. Халқ таълими муассасаларининг хорижий давлатларда таълим муассасаларини тамомлаган раҳбар ва педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида ўқишга базавий маълумоти тўғрисидаги ҳужжати нострификациядан ўтгандан кейин қўйилади.

4. Бошқа вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги таълим муассасалари, нодавлат таълим муассасаларининг ходимлари халқ таълими тизимидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари билан бевосита тузилган шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтадилар.

II. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг тузилмаси ва уни бошқариш

5. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг тузилмаси ва уни бошқариш қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва янги технологияларни (педагогик, махсус, ахборот-коммуникация ва бошқа технологияларни) жорий этиш даражаси мониторинги;

халқ таълими ходимларининг касбий маҳорати ва лаёқатини ошириш учун олий таълим муассасалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг кадрлар салоҳияти ҳамда моддий-техника базасидан фойдаланиш йўли билан қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг имкониятларини кенгайтириш.

6. Вазирлик:

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгилайди;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларига умумий раҳбарлик қилади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўқув режа ва дастурларини тасдиқлайди;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

оширишни амалга оширувчи таълим муассасалари рўйхатини, улар фаолиятини такомиллаштириш механизми ва усуллари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш жараёни самарадорлигини аниқлайдиган динамик кўрсаткичларни, қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтадиган ходимларнинг прогноз контингентини белгилайди.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари (кейинги ўринларда «халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари» деб аталади), тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, нодавлат таълим муассасалари ва жисмоний шахслар халқ таълими муассасалари ходимларини ўқитишнинг буюртмачиси (матнда кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) ҳисобланадилар.

8. Халқ таълими тизимида А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (кейинги ўринларда «Марказий институт» деб аталади), Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари (кейинги ўринларда «Ҳудудий институт» деб аталади) қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолиятини амалга оширади.

9. Марказий институт халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг бош таълим муассасаси ҳисобланади.

Марказий институт:

ҳудудий институтлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда халқ таълими ходимларининг касбий билимлари ва малакаларини такомиллаштириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив методларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шакллари (уйғунлаштирилган, масофадан ўқитиш, ўқитишнинг якка тартибдаги шаклини, «устоз-шогирд» усулини ва шу кабиларни) жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқади;

таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришни амалга оширади;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибани, шунингдек энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини умумлаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этади.

10. Марказ — мактабгача таълим муассасаларининг ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий таянч ўқув-методик муассасаси ҳисобланади.

Марказ:

мактабгача таълим муассасалари раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқади;

мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳудудий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

тегишли йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқади.

11. Ҳудудий институтлар тегишли ҳудудлардаги мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ва бошқа мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган ўқув муассасаси ҳисобланиб, шу йўналишдаги ўқув, илмий ҳамда ташкилий-методик ишларни амалга оширади.

Ҳудудий институтлар:

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқларини мунтазам равишда ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, шунингдек замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг педагоглар томонидан чуқур ўзлаштирилишини ва амалиётда қўлланилишини таъминлайди;

педагогларнинг ўз касбий малакаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этади;

буюртмачилар буюртмалари асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича режаларни шакллантиради, педагог кадрларни ҳамкорликда ўқитиш учун олий ва умумий ўрта таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан шартномалар тузади;

намунавий ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ишчи ўқув режа ҳамда ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқади.

12. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг барча йўналишлари ва шакллари бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув режалар ва ўқув дастурлари белгиланган тартибда вазирлик томонидан тасдиқланади.

III. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мақсад ва вазифалари

13. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсадлари:

ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равишда ўсиб боришини, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлашдан;

улардаги назарий билим ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш ҳамда янгилаш, халқ таълимининг долзарб муаммолари, таълимни ташкил этишнинг янги тамойиллари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари, давлат таълим стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништиришдан иборат.

14. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг асосий вазифалари:

ўқитишда (дарс беришда) касбий лаёқат ва маҳоратни янада ошириш; психологик-педагогик тайёрлаш ҳамда нутқ маданиятини ўргатиш;

мустақил фикрлаш кўникмаларини сингдириш ва ходимларнинг қобилиятини ривожлантириш ҳамда янги билимлар бериш;

илғор педагогик ва ахборот технологиялари, Интернет глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш;

илмий-педагогик ижодкорлик методологияси ҳамда педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича билимларни сингдириш;

ўқув-тарбиявий ва маънавий-ахлоқий ишларни амалга ошириш, назорат қилиш ва таълим олувчилар билимларини ҳолисона баҳолаш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, тингловчиларнинг ташаббускорлигини, илмий тадқиқотларга интилишини ва ижодий маҳоратини рағбатлантириш;

халқ таълими муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини сингдириш.

IV. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган умумий талаблар

15. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифати халқ таълими ходимлари тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, улардаги билим ва амалий маҳоратнинг мазкур кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни намунавий (таянч) ўқув режалар ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган мақсадли ишчи ўқув режалар ва ишчи дастурлар асосида амалга оширилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар тегишли таълим дастурлари билан белгиланади.

16. Қуйидагилар малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган базавий талаблар ҳисобланади:

касблар ва лавозимларга бўлган касбий малака талабларига мувофиқлик;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини билишга, таълим турлари ва босқичлари бўйича давлат талаблари (давлат таълим стандартлари)нинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга, тингловчиларнинг касбий билимларини янгилаш ва чуқурлаштиришга, янги, қўшимча касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишга, таълим-тарбиянинг самарали усуллари ҳамда технологияларини эгаллаш ва такомиллаштиришга қаратилганлик;

замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишни назарда тутиш;

давлат талаблари ҳажм ва мазмунининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш муддатларига мувофиқлиги.

Малака ошириш (қайта тайёрлаш) бўйича таълим дастурлари тегишли базавий мақсадлар ва мазмунга мос малака (битирув) ишлари билан тугалланади.

V. Халқ таълими ходимлар малакасини оширишнинг тўғридан-тўғри ва билвосита шакллари ташкил этиш

17. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тўғридан-тўғри (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва билвосита (таълим дастурларисиз ўқитиш) шакллари бўйича ташкил этилади.

18. Халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг қуйидаги тўғридан-тўғри шакллари қўлланилади:

малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институтда, марказда) ўқитиш;

базавий таълим муассасасида ўқитиш;

«Устоз-шогирд» усули бўйича таълим муассасасида ўқитиш;

мустақил ўқиб билим орттириш;

масофадан туриб амалга ошириладиган таълим;

стажировка шаклида (таълим муассасаларида, таълимнинг бошқарув органларида, хорижда) тажриба орттириш.

19. Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институт, марказ) ўқитиш — таълим муассасаларининг яқка тартибдаги топшириқлари ёки аниқ йўналтирилган дастурлари асосида, таълимнинг тегишли тури ўқув-тарбия жараёнининг мониторинги натижаларини ва кадр-

лар тайёрлаш сифатини ҳисобга олиб Давлат талабларига, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш.

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш 2 + 2 ёки 3 + 1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75% — яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25% — бевосита таълим муассасасида) ўқитиш шаклларида ҳам ташкил этилиши мумкин. Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича махсус виртуал курслар мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади.

Базавий таълим муассасасида ўқитиш — Давлат талабларига, тегишли ихтисосликнинг педагог кадрларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ уларнинг касбий билимлари, малака ва кўникмаларини чуқурлаштириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун базавий деб белгиланган таълим муассасаларида фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдир.

Базавий таълим муассасаларида ўқитиш умумкасбий ва махсус фанлар бўйича ходимлар малакасини оширишнинг самарали шакли ҳисобланади, чунки улар тегишли ихтисослик кадрларини тайёрлашга ихтисослашгандир (зарур моддий-техник база билан жиҳозланган, етарлича илмий-методик ва интеллектуал салоҳиятга эга).

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасаси ёки базавий таълим муассасасида ўқитиш ходим ишлаб чиқаришдан ажралган ёки қисман ажралган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

20. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги малака ошириш ходимларнинг ўз иш жойларидан тўла ажралган тарзда малака ошириш муассасасида таълим олишларини назарда тутати.

Ишлаб чиқаришдан қисман ажралган ҳолдаги малака ошириш 2 + 2 схемаси бўйича (50% бевосита малака ошириш муассасасида, 50% иш жойида мустақил тайёрланиш йўли билан) ёки 3 + 1 схемаси бўйича (25% бевосита малака ошириш муассасасида, 75% иш жойида мустақил тайёрланиш йўли билан) амалга оширилиши мумкин. Малака оширишнинг мазкур шакли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш бўйича маълумотларни узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ҳамда махсус виртуал курслар мавжуд бўлган тақдирда қўлланади. Малака оширишнинг бундай шакли масофадан ўқитиш шакли ҳисобланиб, бунда тингловчи асосий ишдан ажралмаган ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тегишли ўқув дастурига мувофиқ малака оширади.

21. Малака оширишнинг масофадан ўқитиш шакли мазкур Низомнинг 18, 19 ва 20-бандларида кўрсатилган малака ошириш шакллариининг таркибий қисми сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин.

22. Масофадан амалга ошириладиган таълим курсининг давомийлиги таълим муассасасида ўқишнинг тегишли курси академик соатларида белги-

ланади, бунда календарь муддатлар академик муддатлардан ортиқ бўлиши мумкин.

Янги билимларни ўзлаштириш даражаси масофавий таълимни амалга ошираётган малака ошириш таълим муассасаси томонидан назорат қилинади.

Масофадан туриб амалга ошириладиган малака ошириш курси дастури-ни тўлиқ ўзлаштирган ва якуний аттестациядан мувафаққиятли ўтган тинг-ловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берилади.

23. «Устоз-шогирд» усули бўйича таълим муассасасида ўқитиш — тан-лов асосида танлаб олинган, мамлакатда (минтақада), илмий ва педагогик жамоатчилик ўртасида ўзининг юқори натижалари, касбий фаолиятининг юқори кўрсаткичлари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича ўз мактаби билан машхур бўлган юқори малакали педагог-устозлар раҳбарлигида тегишли типдаги таълим муассасаларида фанлар бўйича педагог кадрларнинг малака-сини мақсадли ошириш.

24. Мустақил ўқиб билим орттириш — таълимнинг раҳбар, педагог ва мутахассис кадрлари томонидан касб маҳоратини оширишга, касбий лаёқа-тини ва илмий дунёқарашни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг ўз лавозими ва мутахассислиги бўйича янги билим, кўникма ва малакалар-ни узлуксиз равишда мустақил ўзлаштиришини назарда тутати.

Мустақил равишда билим олиш таълим муассасалари (раҳбар ва педа-гог) кадрлари узлуксиз таълимнинг (малака оширишининг) ажралмас тар-кибий қисмидир, у ахборот технологияларининг эгаллаб олинишини рағбат-лантиради. Мустақил таълим, белгиланган тартибда, малака оширишнинг тегишли ўқув дастурлари бўйича амалга оширилган бўлса, билимларнинг якуний назорати натижалари асосида кадрга малака ошириш таълим муас-сасаси томонидан малака оширганлик ҳақида белгиланган намунадаги ҳуж-жат (сертификат) берилади.

Малака оширишнинг ушбу шакли ўқув дастурини таълим олувчи томо-нидан тузилган ва малака ошириш таълими муассасаси томонидан тасдиқ-ланган якка тартибдаги режа асосида мустақил ўқиш воситасида ўзлашти-ришни назарда тутати.

Мустақил ўқиб билим орттириш шаклида малака ошириш барқарор юқори профессионал рейтингга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаган, ўзини ўзи камол топтириш жараёнига танқидий ва ижодий ёндаша оладиган тингловчилар учун тавсия этилади.

25. Стажировка шаклида (таълим муассасаларида, таълимни бошқарув органларида, хорижда) тажриба орттириш раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларни таълим ва уни бошқариш соҳасидаги фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар билан таништи-ришни, раҳбарлик салоҳиятини оширишни назарда тутати.

Стажировка хизмат сафарига юбориш тарзида амалга оширилади.

Стажировка тамом бўлгандан кейин кадрларга стажировка муддати кўрса-тилган ҳолда уларнинг стажировкадан ўтганлиги тўғрисида тажриба ортти-

рилган муассаса раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган маълумотнома берилади.

26. Таълим муассасасида (олий таълим муассасаси, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари, Республика таълим маркази, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва ҳоказоларда) тажриба орттириш раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларни бошқарув ва таълимнинг замонавий ютуқлари, тегишли мутахассислик бўйича ривожланишнинг устувор йўналишлари, таълим инновацияларини жорий этишнинг самарали усуллари билан таништириш мақсадларини кўзлайди.

Таълимни бошқарув органларида тажриба орттириш ходимларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлайди ва чуқурлаштиради ҳамда турли даражадаги раҳбар кадрлар малакасини оширишнинг самарали шаклларида хисобланади.

Таълим муассасалари ходимларининг хорижда тажриба орттириши хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш учун ажратилган грантларга мувофиқ, шунингдек таълимни бошқариш органлари билан таълим муассасаларининг ўзлари ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

27. Малака ошириш таълими дастурлари асосида ташкил этилган инновацион менежмент, педагогик ёки ахборот технологияларини ўзлаштириш курсларида ўқиш ҳам халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари тарзида амалга оширилади. Ушбу курслар мажбурий бўлмагани ҳолда таълим кадрларининг касбий ўсишига кўмаклашади. Мазкур курсларнинг ўқув дастурлари малака ошириш таълими ўқув дастурларининг муайян қисмини (фан блоклари ёки модулларини) қамраб олган ва малака ошириш таълими муассасаси томонидан (ёки у билан ҳамкорликда) ўтказилган бўлса, курсларни тамомлагандан кейин берилган сертификатларда кўрсатилган ўқиш соатлари ҳажми навбатдаги малака ошириш бўйича зарур соатларнинг жами ҳажмига киради (ҳисобга олинади).

28. Халқ таълими муассасалари ходимлари малакасини оширишнинг билвосита шакллари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасасининг илмий (педагогик) кенгаши қарорига биноан ижодий таътил;

очик ўқув машғулотлари;

илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарларда, конференцияларда, август ўқишларида ва шу кабиларда маърузалар билан қатнашиш.

Ижодий таътил — янги ўқув адабиётлари (дарслик ёки ўқув қўлланма) яратиш, замонавий педагогик ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш, педагогларнинг касбий фаолияти, йўналиши билан боғлиқ бўлган йирик илмий ишни (монография, диссертация ва ҳоказоларни) тугаллаш учун таълим муассасасининг илмий (педагогик) кенгаши тақдимномасига кўра педагог кадрларга бериладиган таътил.

Очик ўқув машғулотлари — замонавий ахборот-коммуникация техно-

логиялари, ўқитишнинг интерактив усуллари қўлланилган ҳолда академик гуруҳларда жадвал бўйича ўтказиладиган олдиндан эълон қилинган муаммо ёки инновация мавзуси бўйича машғулотдир.

Очиқ ўқув машғулотларига билимларнинг ушбу соҳасидаги тажрибали педагоглар, олимлар ва мутахассислар таклиф этилади.

Ушбу машғулотларнинг сифати таълим муассасасининг кафедрасида ёки илмий (педагогик) кенгашида муҳокама қилинади.

Мутахассисларнинг илмий ва илмий-методик семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашиши халқ таълимининг долзарб муаммолари, шунингдек ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган педагогика фани ва амалиёти, ўқитиш методологияси ва технологиясининг муҳим масалалари бўйича илмий ва илмий-методик маъруза(ахборот)лар билан чиқишлари орқали таъминланади.

29. Малака оширишнинг билвосита шакллари (таълим дастурларисиз ўқитиш) бўйича малака оширган халқ таълими муассасаларининг ходимларига тегишли мазмундаги маълумотнома берилади.

30. Малака оширишнинг билвосита шакллари таълим муассасаси ходимнинг навбатдаги малака ошириш курсигача бўлган даврда ўз устида мустақил ишлаши натижаларини баҳолаш ва унинг касбий малака даражасини аниқлашга хизмат қилади, шунингдек педагог кадрларни малака тоифаларига аттестация қилиш жараёнида ҳисобга олинади.

Халқ таълими ходимларини малака оширишнинг мустақил ёки масофавий шаклларига қабул қилишда уларнинг малака ошириш таълимининг билвосита тури бўйича муваффақиятли шуғулланганлиги шарт ҳисобланади.

VI. Малака оширишнинг даврийлиги ва ўқув юкламасининг ҳажми

31. Халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ва қанча давом этиши уни ташкил этиш шаклларига ҳамда ходимнинг касбий малака даражасини ва индивидуал касбий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Буюртмачи томонидан белгиланадиган талабларга боғлиқ бўлади ва таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари учун 3 йилда камида бир марта, педагог кадрлар учун 5 йилда камида бир марта этиб белгиланади.

32. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тўғридан-тўғри шаклларининг умумий давомийлиги камида 4 ҳафта (144 соат) этиб белгиланади.

Бунда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 36 соатни (54 академик соатни), аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 24 соатни (36 академик соатни) ташкил қилади.

Айрим ҳолларда раҳбар кадрлар малакасини ошириш тўғридан-тўғри шаклларининг умумий давом этиш муддати, асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда, камида 3 ҳафта (144 соат), аудитория машғулотларининг ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 48 соат этиб белгиланиши мумкин.

33. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

VII. Малака ошириш курсларини ташкил этиш

34. Малака ошириш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган, масофадан туриб ўқитиш усуллари қўлланилган ҳамда ўз билимларини мустақил оширган ҳолда амалга оширилади.

35. Малака ошириш курслари Вазирлик ва таълимни бошқариш ҳудудий органларининг (айрим ҳолларда, бевосита узлуксиз таълимнинг тегишли турдаги таълим муассасалари) буюртмаларига биноан йиллик режалар асосида ташкил этилади.

36. Буюртмачилар томонидан навбатдаги календарь йилда малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича буюртмалар кадрнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси ўқув юртини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стажи, иш жойи, лавозими, охириги марта малака оширган вақти ва малака ошириш курси тоифаси кўрсатилган ҳолда Марказий институт, Марказ ва Ҳудудий институтларга етказилади.

37. Марказий институт, Марказ ва Ҳудудий институтлар томонидан мазкур буюртмалар асосида малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича йиллик режа шакллантирилади ва Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг буюртмачиларга етказиб берилади.

38. Буюртмачилар мазкур режа асосида ўз тасарруфларидаги таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг тегишлилиги бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларига ўқишга етиб боришларини таъминлайдилар.

39. Малака оширишга юборилган ходим тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади. Тингловчилар гуруҳини шакллантириш, курснинг ўқув режа ва дастурларини тайёрлашда педагог кадрларнинг базавий маълумоти, мутахассислиги, тоифаси ва эгаллаб турган лавозимлари, шунингдек буюртмачининг талаблари ҳисобга олинади.

40. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёнлари курсларга жалб этилган ходимлар 25 тингловчидан иборат ўқув гуруҳларига бўлинган ҳолда ташкил этилади.

41. Малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотлари тасдиқланган намунавий ўқув режалари ҳамда дастурларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибига олган блок-модулли ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади.

42. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни амалдаги қоидаларга мувофиқ тузиладиган ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади.

43. Малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий

машғулот, лаборатория иши, семинар, ишчанлик ўйини, имитация дарси, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади. Айрим ўқув машғулотларини илғор таълим муассасалари негизида ташкил этиш мумкин.

44. Малака ошириш курсларини ташкил қилиш, уларни талаб даражасида ўтказиш, таълим самарадорлигини таъминлаш ҳамда тингловчиларнинг яшаши учун шароит яратиш (таълим муассасасида тингловчилар турар жойи мавжуд бўлса) масъулияти тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбари зиммасига юклатилади.

45. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга қўйилади.

46. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига таълим муассасаси раҳбари рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

47. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат — қатнашиш шаклида ўтказилади ҳамда якуний тест синовлари ва малака ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

48. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга қўйилмайди, тегишли равишда уларга малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида Давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берилмайди.

49. Малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратдан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берилади.

50. Тингловчи қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

таълим дастурларини ўзлаштирамагани (назорат турларини топшира олмагани) учун;

малака ошириш курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз 18 соатдан ортиқ қолдиргани учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

51. Тингловчи малака ошириш курсидан четлатилганда унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек бу ҳақда уни малака оширишга юборган буюртмачи ташкилотга малака ошириш таълим муассасаси томонидан маълум қилинади.

Малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний назоратдан ўта олмаган тингловчи бир йил ичида буюртмачи ташкилот томонидан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши тартибида малака оширишга қайта юборилади.

Малака оширишга қайта юборилган ходим малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний назоратдан ўта олмаган тақдирда унинг иш фаолиятини давом эттириши масаласини кўриб чиқиш тўғрисида ходим билан меҳнат шартномаси тузган ташкилотга малака ошириш таълим муассасаси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

VIII. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлашнинг турлари ва шакллари

52. Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлашнинг мақсади — меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими муассасаларида (мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим ва бошқа муассасаларда) фаолият олиб бораётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларнинг қўшимча ихтисослик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд Давлат таълим стандартлари ёки Давлат талаблари асосида шакллантиришдан иборат.

53. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш бўш (ёки янги тайинланган) лавозимни эгаллаш ва мутахассисликнинг малака таснифига мувофиқ кейинчалик профессионал фаолиятнинг янги турини бажариш мақсадида янги касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтирилади.

54. Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:

педагогик қайта тайёрлаш;

касбий қайта тайёрлаш.

55. Педагогик қайта тайёрлаш — олий маълумотли нопедагог мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш.

56. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) — олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Педагог кадрларни касбий қайта тайёрлаш, ўқув режаларига янги ўқув фанлари ёки курслар жорий этилиши, буюртмачилар ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим педагогларнинг қайта ихтисос-

лашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан таълим муассасаси маъмуриятининг ташаббусига кўра ташкил этилади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган, масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ва ўз билимларини мустақил оширган ҳолда базавий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Таълим дастурларининг мазмуни ва ўқитишнинг қанча давом этиши Давлат талабларида кўрсатилган тартибда белгиланади. Қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтган педагогик кадрларга белгиланган намунадаги диплом берилади.

Қайта тайёрлашга иккинчи олий таълимни олиш сифатида қаралмайди, қайта тайёрлаш натижасида бериладиган ҳужжат (диплом) фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ёки муайян фанлар бўйича ўқув машғулотлари олиб бориш ҳуқуқини беради.

57. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг буюртмаларига биноан амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлик лавозимига тайинлаш учун захирага олинган ёки раҳбарликка номзод ходимлари қайта тайёрлов курсларига жалб этиладилар.

Халқ таълими муассасалари раҳбарлигига тайинлашда номзод кадрнинг қайта тайёрлов курсларини тамомлаганлиги шарт ҳисобланади.

58. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг раҳбар, педагог ёки мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш халқ таълими тизимидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари билан бевосита тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

59. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш тегишли таълим дастурлари асосида:

қайта тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институтда, марказда) ўқитиш;

қисман ихтисослаштирилган таълим муассасасида ва қисман мустақил ўқиб билим орттириш;

қисман ихтисослаштирилган таълим муассасасида ва қисман масофадан малака ошириш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

60. Қайта тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (институтда, марказда) ўқитиш буюртмачининг якка тартибдаги топшириғи ёки аниқ йўналтирилган дастури асосида, Давлат талабларига, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга оширилади.

61. Қайта тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш 2 + 2 ёки 3 + 1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75% — яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25% — бевосита таълим муассасасида) ўқитиш шаклларида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-

коммуникация воситалари ва халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш бўйича махсус виртуал курслар, яъни масофавий таълимни амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади. Қайта тайёрлашнинг мазкур тарзда ташкил этилган курсларнинг камида бир ойи, яъни 144 соати бевосита ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўтказилиши шарт.

Қайта тайёрлашнинг ихтисослаштирилган таълим муассасасидаги қисми ишлаб чиқаришдан ажралган (таътил даври ва ишдан бўш вақтларда — ишдан ажралмаган) ҳолда ташкил этилади.

IX. Қайта тайёрлашнинг давомийлиги ва ўқув юкламасининг ҳажми

62. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш Вазирлик томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади. Ўқув юкламасини режалаштиришда тингловчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

63. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати ўқув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади ва у 16 ҳафтадан (576 соатдан) кам бўлмаслиги шарт. Аудитория машғулотлари ва мустақил ишларнинг ҳафталик юкламаси энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

X. Қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш

64. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасалари буюртмачи эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари билан ҳамкорликда қайта тайёрлаш курсларига буюртмаларни шакллантиради.

65. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасалари қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш юзасидан вазирликка таклиф билан мурожаат қилади ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қайта тайёрлаш курсларида ўқиши режалаштирилаётган тингловчилар (фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси ўқув юртини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стажи) ҳақида маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш жадвали;

қайта тайёрлаш курслари учун методик таъминотнинг (ўқув-мавзу режа, дастурлар, мажмуалар, ишланмалар ва ҳоказолар) мавжудлиги ҳақида маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш учун етарли бўлган илмий-педагогик салоҳиятнинг (маърузачи ва амалий дарсларни олиб боровчи профессор-ўқитувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, асосий иш жойи) мавжудлиги ҳақидаги маълумот;

қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш учун зарур бўлган моддий-техника базасининг (аудитория фонди, компьютер хоналари, фан хоналари, кутубхона ва хоказолар) мавжудлиги ҳақидаги маълумот.

66. Мазкур ҳужжатлар Вазирлик томонидан ўрганиб чиқилади ва қайта тайёрлаш курсларини ўтказиш ҳақида ҳулоса берилади. Қайта тайёрлаш курслари тегишли таълим муассасалари томонидан Вазирлик билан келишган ҳолда амалга оширилади.

67. Қайта тайёрлаш курсларининг методик таъминоти (ўқув-мавзу режалар, дастурлар) тегишли раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

68. Қайта тайёрлаш жараёнида гуруҳдаги курс тингловчиларининг сони, қоидага кўра, 25 нафардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

69. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув машғулотлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва Вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режалар ҳамда дастурлар асосида ташкил этилади.

70. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни намунавий ўқув режаларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибига олган блоклардан иборат блок-модулли ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади. Блоклар ва улардаги модуллар сони намунавий ўқув режадаги жами ўқув соатларидан келиб чиқиб белгиланади ва бунда блокдаги жами соатлар миқдори 36 — 48 соатни ташкил этади.

71. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни амалдаги қоидаларга мувофиқ тузиладиган ва малака ошириш таълими муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

72. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, ишчанлик ўйини, имитация дарси, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади. Айрим ўқув машғулотларини илғор таълим муассасалари негизида ташкил этиш мумкин.

73. Қайта тайёрлашдан ўтувчи халқ таълими ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади. Қайта тайёрлаш курслари тингловчилари таълим муассасаларида мавжуд бўлган барча ўқув лаборатория, ахборот ресурслари, соғломлаштириш ва маиший хизмат шохобчаларидан фойдаланадилар.

74. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга қўйилади.

75. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига таълим муассасаси раҳбарининг рухсати билан қайта топширишга имконият

берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

76. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат — қатнашиш шаклида ўтказилади ҳамда якуний тест синовлари ва малака ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

77. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга қўйилмайди, тегишли равишда уларга малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида Давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилмайди.

78. Қайта тайёрлаш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратдан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилади.

79. Қайта тайёрлаш курси таълим дастурларини ўзлаштириш юзасидан қониқарсиз баҳо олган шахсларга якуний аттестация комиссияси хулосалари натижалари бўйича камида 1 ойдан сўнг якуний малакавий ишни қайта ҳимоя қилиш имконияти берилади.

80. Тингловчи қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилганда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси томонидан унинг қайта тайёрлаш курсида ўқиши учун амалга оширилган тўлови қайтариб берилмайди:

ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги;

таълим дастурларни ўзлаштира олмаганлиги (назорат турларини топшира олмаганлиги);

қайта тайёрлаш курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз 36 соатдан ортиқ қолдирганлиги;

ўқитиш учун белгиланган микдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги.

81. Тингловчи қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилганда таълим муассасаси томонидан унинг ўқиган муддати учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар чегирилган ҳолда олдиндан амалга оширилган тўловнинг қолган қисми белгиланган тартибда қайтариб берилади:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

XI. Қайта тайёрлаш ва малака оширишда масофавий таълим шаклини қўллаш

82. Малака ошириш ва қайта тайёрлашда масофавий таълим шаклини қўллаш малака ошириш курсларининг тўла дастурини ва қайта тайёрлаш

курслари дастурининг муайян қисмини масофавий таълимни амалга ошириш воситаларидан фойдаланиб ташкил этишни назарда тутди.

83. Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича курслар Вазирлик билан келишган ҳолда, махсус виртуал курслар фаолият кўрсатадиган, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун зарур база билан жиҳозланган ҳамда тегишли моддий-техникавий, ўқув-методик базага ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими муассасалари томонидан ташкил этилади.

84. Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича таълим дастурлари Марказий институт томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлик томонидан тасдиқланади.

85. Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича курсларга, қоидага кўра, юқори малакали, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини зарур даражада қўллаш кўникмаларига эга бўлган ходимлар қабул қилинади.

86. Масофавий шакл бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибидан таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан бириктириладиган тьютор (ўқитувчи-консультант) томонидан амалга оширилади.

Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, якка тартибдаги машғулоти бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш тьюторнинг вазифаларига кириди. Тьютор якка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилиши ҳолисона баҳоланиши учун жавоб беради.

Тьютор билан алоқа электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек тьютор билан алоқа контакт-сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин (курснинг ўқув режасида белгиланган муддатларда).

Ҳар бир тьюторга кўпи билан 25 нафар тингловчи бириктирилади.

87. Масофавий шакл бўйича ўқитиш тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитишнинг «кейс-технология»сини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

88. Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ўқитиш курсларига қабул қилинган тингловчига малака ошириш таълим муассасаси томонидан ўқув-методик ашёлар (курс бўйича йўриқнома, ўқув қўлланмалари, якка тартибдаги топшириқлар, малакавий ишларни бажариш бўйича тавсиялар, электрон мультимедия дарсликлар ва қўлланмалар, шунингдек бошқа зарур ўқув-методик материаллар жамламаси) жойланган курс кейси берилади.

89. Масофавий шакл бўйича курс тингловчилари ўқув режаларига мувофиқ таълим муассасасининг веб-саҳифаларида (ёки бошқа махсус веб-ресурсларида) жойлаштирилган модулларнинг ўқув-методик материалларини мустақил равишда ўзлаштирадilar. Жадвал бўйича якка тартибдаги топши-

риқлар (тест, реферат, ишланма, ёзма иш, курс иши, амалиёт бўйича ҳисоботлар ва шу кабилар) топширилгандан кейин модулларни ўзлаштириш натижалари тьюторга, оралиқ тест-назорат натижалари таълим муассасасининг махсус комиссиясига топширилади.

90. Масофавий шакл бўйича ташкил қилинган курс тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат турларида (оралик, якуний) ижобий натижа кўрсатса курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга қўйилади.

91. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига таълим муассасаси раҳбарининг рухсати билан қайта топширишга имконият берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

92. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат — қатнашиш шаклида ўтказилади ҳамда якуний тест синовлари ва малака ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

93. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга қўйилмайди, тегишли равишда уларга малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида Давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат, диплом) берилмайди.

94. Масофавий шакл бўйича ташкил қилинган курс дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратдан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат, диплом) берилади.

95. Масофавий шакл бўйича ташкил қилинган курс тингловчиси қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

малака ошириш курсидаги дарс машғулотлари ва тегишли топшириқларни белгиланган муддатларда ўзлаштирамаганлиги ва бажармаганлиги;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

96. Тингловчи курсдан четлатилганда унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек бу ҳақда уни малака оширишга юборган буюртмачи ташкилотга малака ошириш таълим муассасаси томонидан маълум қилинади.

ХII. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ва назорат қилиш

97. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Вазирлик томонидан тасдиқланган низом асосида қайта тайёрлаш ва

малака ошириш таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган ички назорат (кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича оралик назорат ва бошқалар);

курснинг ўқув режасидаги ўқув модуллари бўйича аттестациядан ўтказишни (чиқиш тести), малака ошириш курси тингловчилари учун — малака иши ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун — битирув иши ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат;

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга ошириладиган ташқи назорат.

XIII. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжатлар

98. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган халқ таълими ходимларига тегишли равишда давлат намунасидаги қўйидаги ҳужжатлар берилади:

малака ошириш тўғрисидаги сертификат — камида 4 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларидан ўтган педагог ва камида 3 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларидан муваффақиятли ўтган раҳбар кадрлар учун;

қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом — раҳбар ва педагог кадрлар учун камида 16 ҳафта (576 соат) ҳажмида таълим дастурларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг, якуний аттестация натижасига кўра берилади.

Якуний аттестация натижасида ўқитиш дастурини ўзлаштириш юзасидан қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга ўқув курсини тамомлаганлик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги диплом ва сертификат белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

99. Халқ таълими муассасалари ходимларининг малака тоифаларини олиши (ўзгартириши) ва эгаллаб турган лавозимларига мослигини аттестациядан ўтказишда улар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг (диплом, сертификат) мавжудлиги шарт ҳисобланади.

XIV. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби

100. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларида дарс машғулотларини олиб боришга мазкур таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг етакчи мутахассислари, шунингдек бошқа таълим муассасаларининг педагог кадрлари штатли

асосда, ўриндошлик бўйича ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этилади.

101. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасалари ўқитувчилари ва тингловчилари сонининг бир нафар ўқитувчи ҳисобига нисбатининг чекланган нормативлари таълимнинг тегишли йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

102. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибига қуйидаги талаблар қўйилади:

қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган Давлат талаблари асосида тингловчилар билан ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, назорат ва тингловчилар билимларини ҳолисона баҳолаш кўникмаларининг мавжудлиги;

юксак шахсий сифатларнинг (талабчанлик, ҳолисоналик, батартиблик, ҳаққонийлик, хушмуомалалик) мавжудлиги;

таълим беришда (ўқитишда) касбий маҳорат ва эрудициянинг мавжудлиги;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини, педагогика фанининг асосий йўналишларини, фанлараро алоқаларни, риторика ва нотиклик маҳорати асосларини, узлуксиз таълим атамалари ва тушунчаларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган Давлат талабларини билиш;

таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, тингловчиларнинг ташаббускорлигини, ижодий маҳоратини, уларнинг илмий тадқиқотларга интилишлари ва қобилиятларини ривожлантириш кўникмаларининг мавжудлиги;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаси мавжудлиги.

103. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтказиш учун жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

XV. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни молиялаштириш

104. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолиятини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларини жорий таъминлашга ҳамда тасдиқланган йиллик режаларга мувофиқ халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини оширишга ажратиладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

таълим хизматларини кўрсатиш, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун мақсадли бадаллари;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун жалб этиладиган грантлар ва хорижий кредитлар маблағлари;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

105. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларига ишдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ишдан ажралган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларига ўқиш учун бошқа жойлардан юборилган тингловчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган томон ҳисобидан қопланади.

106. Шартнома асосида қайта тайёрлаш курслари учун ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш таъминиллари асосида сарф-харажатлар сметаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси томонидан тузилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Сметада курснинг ўқув дастури ва режасида назарда тутилган барча дарс машғулотлари учун тўланадиган соатбай ҳақ, курснинг моддий-техника таъминоти, курсни ташкил этиш ва ўтказишга жалб этилган (раҳбар, педагог ва техник) ходимларга тўланадиган иш ҳақи, уларни рағбатлантириш, шунингдек тўланадиган солиқлар учун маблағлар назарда тутилади. Бунда қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун тингловчи томонидан тўланадиган маблағ мазкур курсларни ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда (сметадаги жами харажатларни тингловчилар сонига бўлиш орқали) ҳисоблаб чиқилади.

XVI. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим жараёни мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар

107. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талаблари «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланади ва уларда таълим жараёнини ташкил этишни, унинг мазмунини, методик таъминлашни, сифат ва самарадорлигини оширишни такомиллаштиришга доир талаблар қўйилади.

108. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари белгиланган тартибда Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида мутахассисликлар бўйича ўқув режаси ва ўқув дастури етакчи олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан тузилади ва таълим жараёнини методик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар мутахассислик бўйича зарур ҳамда етарлича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобга олинган ҳолда мутахассисларнинг малака тавсифларига қатъий мувофиқлик тамойиллари асосида белгиланади.

109. Ўқув дастури фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқларига мувофиқ ташкил этилиши ҳамда халқ таълими тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш талабларига мос келиши керак.

Ўқув дастурида таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш ва уларни ўзлаштириш назарда тутилиши лозим.


Ўқув режалари ва дастурларини тузиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини таълим жараёнига жорий этиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

XVII. Яқунловчи қоида

110. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва давлат томонидан аккредитация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.


Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тизимининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
3-ИЛОВА

**А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институтининг
ТУЗИЛМАСИ**




Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
4-ИЛОВА

433-модда

— 32 —

34 (638)-сон

**Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Республика ўқув-методика марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



* Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун белгиланган меъёрларда белгиланади.
Штат бирликларининг умумий сони, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари (техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибидан ташқари) 33 бирлик;
Жумладан бошқарув ходимлари: 12 бирлик.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ҳудудий институтларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



* Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун белгиланган меъёрларда белгиланади.

Штат бирликларининг умумий ўртача сони, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари (техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибидан ташқари) 27 нафар.

Жумладан бошқарув ходимлари: 11 бирлик.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари штат бирликларининг умумий сони, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари (техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибидан ташқари) 378 бирлик.

Жумладан бошқарув ходимлари: 154 бирлик.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
6-ИЛОВА

433-модда

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш- тириш манбаи	Сарф- харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
I. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш tizimining meърий-xуқуқий базасини такомиллаштириш						
1.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёр- лаш ва уларнинг малакасини ошириш инс- титутларининг намунавий Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2015 йил I чорак	-		Институтларнинг намунавий Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Халқ таълими вазирлиги
2.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёр- лаш ва уларнинг малакасини ошириш инс- титутлари тингловчиларининг якуний аттес- тациясига доир қуйидаги меъёрий ҳужжат- ларни такомиллаштириш ва тасдиқлаш: 1. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида тингловчиларнинг битирув ишини бажаришга қўйиладиган талаблар; 2. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида тингловчиларнинг битирув ишини баҳолаш мезонлари, уларга тақриз бериш тартиби; 3. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	2014 йил IV чорак	-		1. Тингловчиларнинг битирув ишини бажаришга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш; 2. Тингловчиларнинг битирув ишини баҳолаш мезонлари, уларга тақриз бериш тартиби; 3. Тингловчиларнинг якуний давлат аттес- тацияси тўғрисидаги	Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази

— 34 —

34 (638) -сон

T/p	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаи	Сарф-харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
	институтлари қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом.				низомларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	
II. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш						
1.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими сифати ва самарадорлигини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2014 йил IV чорак	-		Таълим сифати ва самарадорлигини аниқлашнинг механизмлари (тартиб ва низомлар)	Халқ таълими вазирлиги
2.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълимини доимий таҳлил қилиш асосида ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш.	2015 йил I чорак	-		Ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш механизми (тартиби)	Халқ таълими вазирлиги
3.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари фаолияти самарадорлигини (рейтингини) аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2015 йил I чорак	-		Институтлар фаолияти самарадорлигини (рейтингини) аниқлаш механизми (низом)	Халқ таълими вазирлиги
4.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг маҳоратини илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллаб дарс ўтишни доимий тарзда ошириб бориш.	Доимий	-		Илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш бўйича тренинглар ўтказиш	Халқ таълими вазирлиги
5.	Малака ошириш курслари ўқув дастурларига киритилган, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаб ўқитиладиган барча мавзулар бўйича электрон ресурсларни яратиш.	2017 йил III чорак	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	0,03	Педагогик ва ахборот технологиялари қўллаб ўқитиладиган мавзулар бўйича 300 та электрон ресурс яратиш	Халқ таълими вазирлиги

T/p	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш- тириш манбаи	Сарф- харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
6.	«Халқ таълими ходимларини қайта тайёр- лаш ва уларнинг малакасини ошириш таълимнинг мазмуни ва сифатига қўйила- диган Давлат талаблари»ни такомиллаш- тириш.	2017 йил III чорак	-		Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълимнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талабларини қайта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Халқ таълими вазирлиги, ДТМ, «Ўзстандарт» давлат агентлиги
7.	Халқ таълими ходимларининг тоифалар бўйича малакасини ошириш даврийлигини таъминлаш.	2015 йил I чорак	-		Белгиланган муддатларда малака оширишни таъминлаш бўйича аниқ режалаштириш механизми	Халқ таълими вазирлиги
8.	Халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини ошириш тизимини такомиллаш- тириш ва унинг имкониятларидан фойда- ланиш самарадорлигини ошириш.	2016 йил II чорак	-		Масофадан малака ошириш курслари сони ва қамровини ошириш	Халқ таълими вазирлиги
9.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизи- мида барча фанлардан энг яхши ўқув-услу- бий қўлланмалар ва тавсиялар, маъруза матни, дарс ишланмалари, ўқув-методик мажмуалар ва мультимедияларни яратиш бўйича республика танловларини ўтказиш.	Йилига бир марта	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	0,015	Барча фанлар бўйича энг яхши ўқув-методик қўл- ланмалар ва тавсиялар, маъруза матни, дарс ишланмалари, ўқув- методик мажмуалар ва мультимедиялар	Халқ таълими вазирлиги
III. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини малакали кадрлар билан таъминлаш						
1.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёр- лаш ва уларнинг малакасини ошириш инс- титутлари профессор-ўқитувчиларининг малака тавсифлари ва талабларини белги- лаш.	2015 йил I чорак	-		Профессор- ўқитувчиларнинг малака тавсифлари ва талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Халқ таълими вазирлиги

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаи	Сарф-харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
2.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг педагогик салоҳиятини кўтариш мақсадида уларга малакали, илмий унвон ва илмий даражали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш.	Доимий	-		Профессор-ўқитувчи лавозимларига танловлар ҳақидаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида кенг эълон қилиш	Халқ таълими вазирлиги
3.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошида катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил этиш.	2015 йил 1 январдан	-		А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошида катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил этиш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлаш	Халқ таълими вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Иқтисодиёт вазирлиги
4.	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.	Доимий	-		Профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч таълим муассасаларини белгилаш	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
5.	Мавжуд имкониятлардан, шу жумладан таълимга кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар грантларидан унумли фойдаланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатлардаги соҳа бўйича етакчи таълим марказларида тажриба орттиришларини йўлга қўйиш.	Доимий	Грантлар, «Истеъдод» жамғармаси маблағлари	Жалб этиладиган маблағлар доирасида	Чет эллардаги соҳа бўйича етакчи таълим марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва профессор-ўқитувчиларнинг тажриба орттиришларини ташкил этиш	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
7-ИЛОВА

433-модда

— 38 —

34 (638)-сон

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш- тириш манбаи	Сарф- харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
1.	Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган институтлар тингловчиларини бошқа ижтимоий соҳа объекти-ларига вақтинча кўчириш схемаларини кўрсатган ҳолда мавжуд биноларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жадвалини ишлаб чиқиш.	2015 — 2018 йилларнинг январь ойида	-		Институтларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жадвали	Халқ таълими вазир- лиги Қорақалпоғис- тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда
2.	Институтларда амалга оширилиши белгиланган қурилиш-таъмирлаш иш-лари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва пудрат танлов (тендер) савдо-ларини ўтказиш.	2014 — 2018 йилларда	Давлат бюджети маблағлари, марказлаштирил- ган капитал қўйилмалар	2,0	Қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа- смета ҳужжатлари, пудрат танлов (тендер) савдолари натижалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	Институтлардаги амалга оширилиши белгиланган қурилиш-таъмирлаш иш-ларининг бажарилиши бўйича тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2015 — 2018 йилларнинг I чорагида	-		Институтлардаги амалга оширилиши белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишларининг тасдиқланган тармоқ жадвали	Қорақалпоғистон Республикаси Вазир- лар Кенгаши, вилоят- лар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда

T/p	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаш-тириш манбаи	Сарф-харажатлар миқдори (млрд сўм)	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш учун масъуллар
4.	Буюртмачи билан пудратчилар ўрта-сидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ қурилиш-таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб бориш.	2015 — 2018 йилларда	-		Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши устидан олиб борилган мониторинг ҳисоботлари	Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда
5.	Институтларда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг белгиланган тартибда ҳудудий Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинишини таъминлаш.	2015 — 2019 йилларда	-		Ҳудудий Давлат қабул комиссияси далолатномалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда
6.	Институтларни зарур мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа инвентарлар билан жиҳозлашнинг меъёрий ҳужжати (норматив)ни ишлаб чиқиш.	2014 йил IV чорак	-		Институтларни жиҳозлаш бўйича меъёрий ҳужжат (норматив)	Халқ таълими вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
7.	Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган институтларни меъёрий ҳужжат (норматив) асосида зарур жиҳозлар билан таъминлаш.	2015 — 2018 йилларда	Давлат бюджети ҳамда грант маблағлари	14,6	Институтларни жиҳозлар билан таъминлаш бўйича далолатномалар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
7а-ИЛОВА

433-модда

— 40 —

34 (638) -сон

2015 — 2018 йилларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлашнинг асосий ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Муассасалар номи	Янги бино қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш *					Мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш**	
		жами қуввати (ўрин)	шу жумладан:			сарф-харажатлар миқдори *** (млрд сўм)	жами қуввати (ўрин)	сарф-харажатлар миқдори*** (млрд сўм)
			ўқув биноси қуриш	ёрдамчи бино қуриш	мавжуд бинони реконструкция қилиш			
2015 йил								
1.	Сирдарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (ХТХҚТМОИ)	502			502	1,0		0,2
2.	Хоразм вилояти ХТХҚТМОИ	860			860	1,9	300	0,9
3.	Тошкент шаҳар ХТХҚТМОИ						1 000	2,2
4.	Бухоро вилояти ХТХҚТМОИ						1 340	3,0
2016 йил								
1.	Қорақалпоғистон Республикаси ХТХҚТМОИ	500			500	1,1	1 476	3,3
2.	Жиззах вилояти ХТХҚТМОИ	964			964	2,1	450	1,1
3.	Наманган вилояти ХТХҚТМОИ	340			340	0,7	1 020	2,3
4.	А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти	940		80	860	3,6	350	0,8
2017 йил								
1.	Қашқадарё вилояти ХТХҚТМОИ	240			240	0,5	1 324	3,0
2.	Сурхондарё вилояти ХТХҚТМОИ	550			550	1,6	1 010	2,2
3.	Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ	850			850	1,9	990	2,1

Т/р	Муассасалар номи	Янги бино қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш *					Мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш**	
		жами қуввати (ўрин)	шу жумладан:			сарф-харажатлар миқдори *** (млрд сўм)	жами қуввати (ўрин)	сарф-харажатлар миқдори *** (млрд сўм)
			ўқув биноти қуриш	ёрдмчи бино қуриш	мавжуд бинони реконструкция қилиш			
4.	Мактабгача таълим муассасалари ходимлари-ни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази						465	1,7
2018 йил								
1.	Андижон вилояти ХТХҚТМОИ	450			450	2,0	564	1,2
2.	Навоий вилояти ХТХҚТМОИ	550		50	500	1,6		
3.	Фарғона вилояти ХТХҚТМОИ	240			240	0,9	1 295	2,7
4.	Самарқанд вилояти ХТХҚТМОИ	330	200		130	1,3	1 260	2,6
Республика бўйича		7 316	200	130	6 986	20,2	12 844	29,4

* Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурида назарда тутилган марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилади;
** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
*** Сарф-харажатлар миқдори ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 15 августдаги 234-сон қарорига
8-ИЛОВА

**Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш таълим муассасаларининг моддий-
техника базасини 2015 — 2018 йилларда босқичма-босқич
модернизация қилиш ҳамда улардаги таълим сифатини
янада такомиллаштириш дастурида белгиланган тадбирларни
мувофиқлаштирувчи Махсус ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

Икрамов А.И.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси
Иноятов У.И.	— Халқ таълими вазири
Вахобов А.В.	— Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Саидова Г.К.	— Иқтисодиёт вазири
Алимухамедов Б.	— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг биринчи ўринбосари
Худояров А.	— Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
Қўчқоров Ж.А.	— Молия вазирининг ўринбосари
Шодиев М.И.	— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари
Абруев У.О.	— Халқ таълими вазирининг ўринбосари
Болтабоев М.	— Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТД мудири, ишчи гуруҳ котиби

Изоҳ: гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда улар ўрнига тайинланган ёки тегишли вазифа юклатилган шахслар гуруҳ таркибига киритилади.